



## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ПАНКРЕАТИН ФОРТЕ 8000

**Препаратнинг савдо номи:** Панкреатин ФОРТЕ 8000

**Тасир этувчи модда (ХПН):** панкреатин

**Дори шакли:** ичакда эрийдиган, қобик билан қопланган таблеткалар

**Таркиби:**

1 таблетка қуйидагиларни сақлайди:

*фаол модда:* панкреатин 0,24 г, бу

8000 липолитик Ph. Eur. U.,

5800 амилолитик Ph. Eur. U.,

380 протеолитик Ph. Eur. U. дан кам бўлмаган фаолликка эга

*ёрдамчи моддалар:* микрокристалл целлюлоза, кросповидон, натрий хлориди, коллоидли кремний диоксиди, магний стеарати, метакрилат сополимер дисперсияси, тальк, полиэтиленгликоль (макрогол), титан диоксиди (E 171), кармоизин (E 122).

**Таърифи:** Думалоқ шаклли, икки томонлама қабарик, пушти рангли қобик билан қопланган таблеткалар. Синдирилганда иккита қатлам кўриниб туради.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** Фермент восита.

**АТХ коди:** A09AA02

### Фармакологик хусусиятлари

#### Фармакодинамикаси

Ферментли препарат. Уни таркибига кирувчи панкреатик ферментлар (липаза, амилаза ва протеаза), ёғлар ҳазм бўлишини энгиллаштиради, бу эса уларни ингичка ичакда тўлик сўрилишига ёрдам беради. Меъда ости беши касалликларида препарат уни ташқи секретор функцияси етишмовчилигини тўлдирди ва овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилашга ёрдам беради.

#### Фармакокинетикаси

Таблеткаларни кислотага чидамли бўлган қобиғи ферментларни меъда ширасида инактивация бўлишидан ҳимоялайди. Факатгина нейтрал ёки кучсиз ишқорий муҳитда қобик эрийди ва ферментлар ажралиб чиқади. Максимал ферментли фаоллиги препаратни перорал қабул қилингандан сўнг 30–45 мин дан кейин кузатилади.

### Қўлланилиши

Меъда ости бешида овқат ҳазм қилиш ферментларини етарли ажралиб чиқмаслиги туфайли, овқат ҳазм бўлишини бузилиши билан кечадиган, сурункали панкреатит каби касалликлар.

Меъда ва ингичка ичакни бир вақтда резекция қилингандан кейинги ҳолат, ичаклар орқали овқатни ўтишини функционал тезлаштириш, ичаклардаги касалликлар, ҳазм қилиниши қийин бўлган ўсимликдан тайёрланган, ёғли ва ноодатий овқатларни бир вақтда истеъмол қилиш.

Ичакларни шишиши. Рентгенологик ёки ультратовуш диагностик тадқиқотларга тайёргарликларда қўлланилади.

### Қўллаш усули ва дозалари

Препарат дозаси ўн қичма бармоқ ичакда панкреатик ферментлар етишмовчилигига боғлиқ ва индивидуал равишда белгиланади.

Бошқа тавсиялар йўқ бўлса шунингдек ҳазм қилиниши қийин бўлган ўсимликдан тайёрланган, ёғли ва ноодатий овқатларни бир вақтда истеъмол қилинганда 1–2 таблеткадан қабул қилинади. Овқат ҳазм бўлиши юзага келган бошқа ҳолатларда тавсия қилинган доза 2–4 таблеткани ташкил этади. Зарур бўлганда препарат дозасини ошириш мумкин. Касалликлари симптомларини масалан, стеаторея ёки қоринда оғриқ, камайтириш мақсадида дозани ошириш шифокор назорати остида бўлиши керак. Липазани суткалик дозаси тана вазнининг 1кг 15000–20000 липолитик Ph. Eur. U. дан ошмаслиги керак.

Таблеткаларни овқат вақтида, бутунлигича, етарли миқдордаги сув билан, масалан бир стакан, қабул қилинади.

Даволаниш давомийлиги касаллик кечишига боғлиқ ва индивидуал равишда шифокор томонидан белгиланади.

Болалар учун препаратни дозалаш ва давомийлиги тўғрисида саволни шифокор ҳал қилади. Препаратни 12 ёшгача бўлган болаларда овқат ҳазм қилишни нормаллаштириш учун суткалик дозада буюрилади, лекин тана вазнининг 1 кг 1500 липолитик Ph. Eur. U. дозадан кўп эмас. 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларда ферментларни суткалик дозаси тана вазнининг 1 кг липазани 15000-20000 липолитик Ph. Eur. U. ошмаслиги керак.

*Болалар.* 6 ёшдан катта болаларда қўлланилади.

### **Ножўя таъсирлари.**

*Иммун тизими томонидан:* аллергик реакциялар, жумладан тошма, аксириш, эшакеми, кўз ёши оқиши, бронхоспазм, анафилактик реакциялар. Кармоизин борлиги сабаб аллергик реакциялар бўлиши мумкин.

*Овқат ҳазм қилиш йўли томонидан:* диарея, қоринда оғриқ, кўнгил айнаши, қусиш, ахлатни ўзгариши, ичакларнинг тутилиши, қабзият, қорин дам бўлиши мумкин.

Биронта ножўя ҳолатлар юзага келганда шифокорга мурожаат қилиш керак.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар.**

Препарат компонентларига ўта юқори сезувчанлик, ўткир панкреатит ёки зўрайиш босқичидаги сурункали панкреатитда қўллаш мумкун эмас (лекин, меъда ости беши функцияси бузилишларида диетани кенгайтирилганда сўниб бораётган зўрайиш фазасида эпизодик кучайиш мумкин).

### **Дориларнинг ўзаро таъсири.**

Темир сўрилишини камайтиради (айниқса давомий қўлланилганда).

### **Махсус кўрсатмалар.**

Беморда ноодатий абдоминал симптомлар ёки асосий касаллик симптомларини ўзгариши юзага келса йўғон ичак шикастланиши эҳтимолини истесно қилиш тавсия этилади, айнақса пациент 10000 липолитик Ph. Eur. U./кг/суткада дозадан кўп қабул қилаётган бўлса.

Препарат оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини яралар ҳосил бўлишигача шикастлаши мумкин бўлган фаол ферментлар сақлайди, шунинг учун таблеткани бутунлигича, чайнамасдан ютиш керак.

### **Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши**

Ҳомиладорлик ёки лактация даврида препарат шифокор тавсиясига биноан қабул қилинади, агар она учун кутилаётган фойда ҳомила ёки бола учун потенциал хавфдан юқори бўлса.

### **Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири**

Огоҳлантиришлар йўқ.

**Дозани ошириб юборилиши**

Панкреатинни бошқа препаратларини жуда юкори дозаларда қабул қилинганда гиперурикемия ва гиперурикозурия кузатилган.

*Даволаш:* симптоматик терапия.

**Чиқарилиш шакли.**

№ 50 таблеткалар (10×5) блистерларда.

Тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан

**Сақлаш шароити**

Оригинал кадоқда, 25°C дан юкори бўлмаган хароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин!

**Яроқлилиқ муддати.**

2 йил.

Яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи**

«Тернофарм» МЧЖ.

Украина, Тернополь ш., Фабричная кўч., 4.

Тел./факс: +38 (0352) 521-444

[www.ternopharm.com.ua](http://www.ternopharm.com.ua)

**Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситасини сифати бўйича эътирозлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:**

«NAVBAHOR EXCLUSIVE MRD» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси, 100097, Тошкент ш., Чилонзор б, Чўпон-Ота к., 39